



**УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ҲАМКОРЛИК
ПЕДАГОГИКАСИ**

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ



**PEDAGOGICAL CO-OPERATION IN THE SYSTEM
OF CONTINUOUS EDUCATION**

THE INTERNATIONAL CONFERENCE

**ПЕДАГОГИКА СОТРУДНИЧЕСТВА В СИСТЕМЕ
НЕПРЕРЫВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

МЕЖДУНАРОДНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

**УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА
ҲАМКОРЛИК ПЕДАГОГИКАСИ**

халқаро конференцияси

МАТЕРИАЛЛАРИ

2014 йил 12-13 ноябрь

MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION
MINISTRY OF THE PUBLIC EDUCATION

TASHKENT STATE PEDAGOGICAL UNIVERSITY
SCIENTIFICALLY RESEARCHING INSTITUTE
OF THE PEDAGOGICAL SCIENCES OF UZBEKISTAN

MATERIALS

the international conference

***PEDAGOGICAL CO-OPERATION IN THE SYSTEM OF
CONTINUOUS EDUCATION***

November 12-13, 2014

МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ
МИНИСТЕРСТВО НАРОДНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ
НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК УЗБЕКИСТАНА

МАТЕРИАЛЫ

международной конференции

***ПЕДАГОГИКА СОТРУДНИЧЕСТВА В СИСТЕМЕ
НЕПРЕРЫВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ***

12-13 ноября 2014 года

БЕКМОН Ш. Бекмол шахсни шакллантиришда музейлар ва тарихий	322
МЕТДОЛОВИЧ И. методологик билимлар билан тўлдирайлик	324
ТАРИХИЙ ДАВРЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ВА УЛАРНИ ЎҚИТИШ	326
ESBERGENOVA S. Markaziy Osiyodagi ilk davlatlar tarixiy isoslari	328
Ўқув тарбияни шакллантиришнинг асосий омиллари	330
А. Маданиятшунослик фанида маданий соҳалардаги ҳамкорлик	331
Ақлодлар мероси – тарбия мезони	333
Х. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг касбий масалалари	334

3-СЕКЦИЯ

ЎҚИТИШ ТИЗИМИДА АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲАМДА СУБЪЕКТ-СУБЪЕКТ МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМКОРЛИК ПЕДАГОГИКАСИНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА	
У.Н., ДЖУРАЕВ А.С., ШОЙМАРДОНОВ Т.Т., ОБИДОВ А.Э. Олий таълим касбий фаолиятимониторингини олиб боришнинг электрон тизим	337
ДУ. Таълим жараёнида ўқитувчи - ўқувчи муносабатлари таълим-тарбия асосий мезони	341
М.Р. "Ўқитувчи-талаба" тизимидаги ўзаро таъсирлар ахлокий онг тараккиётининг омили	343
У.М. Субъект-субъект муносабатларида ўзликни англашнинг шарқона психологик талқини	344
Г. И.АЛИМОВА. Педагогический авторитет учителя в школе	345
Ф.Н. Влияние стиля общения преподавателя на личностные особенности младших	347
Б.А. Взаимосвязь мотивации деятельности и "синдрома профессионального вкгорания" у преподавателей вуза	348
Ш.Д., АЮПОВА М.Ю. Болалар нутқининг грамматик томонини текшириш	350
Б., ЙИГИТАЛИЕВА С.С. Основные компоненты содержания обучения информационным технологиям будущего учителя биологии	352
М.Ю. Инноватор ўқитувчининг психологик хусусиятлари	354
Б.М., ХАЙДАРОВ Ф.И. Методические проблемы формирования учебной мотивации	355
М. Квант механикани шахсга йўналтириб ўқитишнинг дидактик ва психологик асослари	357
И.Г. Усвоение – центральное звено учебного процесса	358
Ш.А., МИРАШИРОВА Н.А. Мустақиллик - боланинг ўз-ўзини ташкил этиш хусусияти ривожлантирилишининг компоненти сифатида	360
Н.С. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг билим ва баҳо олишга интилиш мотивларининг ўзаро муносабат хусусиятлари	362
ZARIPOV L.R. Kasbiy tayyorlash mazmunini tanlash usuli	364
Д.Ш., ЗИДУЛЛАЕВА Г.Э. Таълимда очик ресурслардан фойдаланиш	365
А.Е. Узлуксиз таълим тизимида масофавий ўқитишдан фойдаланишнинг самарадорлиги	366
А.Р. Особенности проведения оценки креативного потенциала педагогических кадров в условиях информатизации образования	368
Н., ХАМИДОВА Г. Педагог ва талаба муносабатларида толерантлик муаммоси	369
Н.Г., АЛИМОВА Д. Профессиональная и коммуникативная компетентность педагога вуза	371
Н.Г., АЪЗАМОВА У. Социально-психологические особенности агрессивного поведения студенческой молодежи	372
Ф.Э. Формирование психолого-педагогических субъект-субъектных отношений учителя и учащихся в учебном процессе	374
KADIROV KH.SH. Psycho-pedagogical bases of formation of virtual laboratories in vocational education	376
MAMATOV D.N. Information communication technologies enhancing learning motivation	377
Х.А. Повышения профессиональной компетентности преподавателей иностранных языков как один из главных факторов модернизации образования	379
М.Т., ДЖУРАЕВ А.С. Олий таълим муассасаси педагог кадрларининг информатсион компетентлигини ривожлантириш масалалари	381

Интеграцияlash va differensiyalash tamoyili integrativ o'quv predmetlarini yaratishda qo'llaniladi. Bunda integrasiya variantlaridan biri tanlanadi:

- o'quv predmetlarini sikllararo darajada birlashtirish, masalan, fizika elektronika-maxsus texnologiya;
- bir necha maxsus nazariy predmetlarning mazmunini qayta tuzish va sifat jihatdan yangi o'quv predmetlarini yaratish;
- maxsus predmetlar va ishlab chiqarish ta'limi mazmunini qayta tuzish hamda kasbning nazariy va amaliy ishlab chiqarish asosini tashkil etgan yangi yagona o'quv predmetini yaratish.

Bilim, ko'nikma va malakalarni tizimlashtirish turli o'quv predmetlari materialini tizimli, izchil va o'zaro mantiqiy bog'liqlikda o'rganish imkonini beradi, o'quvchilarda motivatsiyani kuchaytiradi (chunki ular olingan bilimlarning kasblarni egallashlari uchun zarur bo'lishini tushunib yetadilar). Bu esa yosh mutaxassislarining kelgusi ishlab chiqarishda barqaror kasbiy faoliyat ko'rsatishiga imkon yaratadi.

Xulosa qilib aytganda, kasbiy tayyorlash mazmunini joriy etish kasb-ta'limi jarayonini, fan va ishlab chiqarishni, kasbiy malakaviy talablarni izchil va tizimli tahlil etish bilan uzviy bog'liqdir.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Sharipov SH.S. va b. Kasbiy pedagogika (metodik qo'llanma). T.: TDPU, 2006
2. Бочарникова И.А. Значение специальных дисциплин в условиях профессиональной подготовки специалиста социальных специальностей. Материалы заочной научно-практической конференции студентов, аспирантов и молодых ученых «Актуальные исследования в области психолого-социальной работы». СПб, 2010
3. Вишняков С. М. Профессиональное образование: Словарь. — М.: НМЦ СПО, 1999.
4. A. Xodjaboyev, I. Husanov. Kasbiy ta'lim metodologiyasi. «Fan texnologiya», 2007.
5. L.R.Zaripov O'quv – dasturiy hujjat – kasbiy tayyorlash mazmunini joriy etish vositasi "Kasb-hunar ta'limi" ilmiy-uslubiy jurnal. 2014 yil № 1. 2-6 b.

ТАЪЛИМДА ОЧИҚ РЕСУРСЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ

(Opendoag хизмати мисолида)

ЗИЯДУЛЛАЕВ Д.Ш., ТДПУ, ЗИЁДУЛЛАЕВА Г.Э., ТАТУ, Тошкент

Мамлакатимизда олиб борилаётган чуқур ислохатлар самараси ўларок таълимни ривожлантириш, уни жаҳон даражаси босқичига кўтариш куннинг айниқса фан, таълим эгаларининг, таълимчиларнинг муҳим вазифасидир. Бу муаммони ечишда жаҳон тажрибаси, яъни ривожланган мамлакатлар таълим тизими ҳолда изланиш олиб бориш катта аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда ахборотнинг кескин ортиб бориши натижасида ҳар бир мамлакат ўз кўлида бу ахборотни ўзлаштирсагина, ривожланишда давом этади. Жаҳон ахборот бозорларида тақдим этиладиган фан ва таълимга оид қимматли ресурслар нафақат пулли, балки бепул очик ресурслардир. Бу эса бизга, яъни ривожланиётган мамлакатларга ахборот инфраструктурасини ривожланишида яна бир муҳим имкониятлар.

Эркин ва очик ресурслар фаолияти бу шундай таракқиётки, фойдаланувчига яна таълимнинг янги билимлар, стандартлар ҳамда бошқа кўплаб имкониятларни яратади. Бу давлат ва хусусий секторга ҳамда таълим муассасаларига кўплаб имкониятларни очиб беради. Бундай ресурсларни тақдим этиладиган мақсад эса битта, ЮНЕСКО ташаббуси билан ривожланаётган мамлакатларга илм – фан ва таълимий ресурсларни очик фойдаланиш имконини яратиш ҳамда ривожланган давлатлар сафига қўшишдир.

Очик ресурслар фойдаланувчига логин, парол бериш орқали ресурсдан фойдаланиш тақдим этиладиган йирик тизимлар фаолиятдир. Бундай ресурсларга Opendoag, Doaj, Base – Search.net, Doeh, Dissertac.com ва бошқалар киради.

Opendoag хизмати: Opendoag персонал маҳсулотларидан бутун дунё бўйича кафолатли сифатли фонд рўйхатидан очик доступда фойдаланиш имконини яратувчи тизимдир. Opendoag ходимлари ахборотнинг эҳтор сифатли ва ишончилигини таъминлаш билан шуғулланади.

2003 йилдан бошлаб эса қисқа илмий - тадқиқий ахборот тарқатишда дунё бўйича таълимчилар ва олимларни ўзига жалб эта олган Opendoag - (очик эшик) хизмати кўпроқ маълумотномалар орқали хизмат кўрсатади. Opendoag таркибида Хоттингем университетининг тадқиқот коммуникация маркази базасида Шерна хизмати шакллантирилган.

Илмий коммуникация ва тадқиқот соҳасида очик доступ ривожланиши учун 2 та инфраструктуранга бирга тақдим этади: OpenDoag ва DOAJ хизмати.

OpenDoag мақсади: академик тадқиқот соҳасида ривожланган репозитарийга очик кириш ва ресурслардан самарали фойдаланишни тақдим этади;

- Сайтда фойдаланувчига электрон журналлардан фойдаланишни таъминлайди (DOAJ);
- Сайтда метамаълумотлар ҳаволаларини тақдим этади;
- Аник репозитарийлар ва аник типдаги маълумотни топиш учун фойдаланувчига авторитет рўйхат тақдим қилади;
- Аник архивни топиш учун репозитарийни тил, мундарижа ёки бошқа воситалар бўйича кескин суратда ўзгартириш ва фонднинг авторитет рўйхати билан албатта фойдаланувчига кенг қамровли таъминлашдан иборат.

DOAJ – журналлар маълумотномаларига очик доступ ресурси билан фаолият олиб боради. DOAJ барча предмет ва тиллар бўйича илмий ва академик журналлардан эркин ҳамда тўлиқ матнли фойдаланишни таъминлайди. Ҳозирги вақтда журналлар каталогида 1842та журнал бор. Мақола даражасида кидириш учун 455та журнал бўлиб, бу журналларда 79574дан ортик мақолалар жой олган.

Куйидаги соҳалар бўйича ресурслармавжуд:

- Кишлоқ хўжалиги ва озик овқат фани, Санъат ва архитектура, Биология ва ҳаёт ҳақидаги фан, Бизнес & экономика, Химия, Ер ва табиат ҳақидаги фан, Методология ва тиббиёт фани, Тарих ва археология, Тил ва адабиёт, Қонун ва сиёсатшунослик, Математика ва статистика, Философия ва дин, Физика ва астрономия, Умумий фанлар, Ижтимоий фанлар,Технология ва Инжиниринг ва бошқалар.

Шу билан бирга бу хизматлар таркибида ўқитувчи - профессорлар, магистрлар, илмий тадқиқотчилар ўзларининг мақолаларини чоп этиш имконияти ҳам мавжуд. Лекин ажабланишли томони шуки, нима учун ресурслар бепул-у, нима учун очик фойдаланиш мумкин? деган саволга олимлар шундай жавоб беради:

- муаллиф тўғрисидаги маълумотлар дунёга тез тарқалади;
- очик ресурслар дунёда барча мамлакатлар учун маълумот олиш ҳуқуқи бир хил;
- лойиҳаларда қатнашиш имконияти катта;
- илмий қийматга эга бўлган журналларда мақолалар тез чоп этилади ва бу билан илмий салоҳиятнинг кескин ошишига сабаб бўлади.

Муаллифлар куйидагиларни муаммо сифатида кўрсатишади:

- 39% муаллифлар қалам ҳақи тўламайди деб ҳисоблашади;
- 39 % журналлари катта обрўга эга эмаслигида, яъни *inpractfactori* йўқ.

Лекин муаллифнинг мақоласи тезкорлик билан чоп этилади ва китобхон томонидан кўплаб маротоба ўқилади.

Хулоса ўрнида ушбу очик ресурс тақдим этувчи OpenDoar хизматининг қулайликлари ва камчиликларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Афзаллиги: Очик электрон архив каталоги 1730 репозитарийга эга илмий ахборотни эълон қилади ва тил, предмет соҳалари ва материал тиллари, географик номлар бўйича очик архивдан кидириш ва танлаб олиш имкониятини тақдим қилади. Сайтнинг қулай томони электрон китоблар тўпламига локал доступ ёки кутубхона каталоги орқали кириш имконияти бор.

Камчилиги: - сайтда очик доступ материаллари сақланмайди. Фақат аннотация варианты берилади; - ташқи сайтларда фақат хаволалар ёки библиографик хаволалар сақланади; - тўлиқ матнли маълумот берилмайди; - умуман очик доступу, лекин обуна бўлиш ва сотиб олиш керак; - ҳатто эркин деб тақлиф этилса ҳам ҳар қандай материалга доступ, логин орқали берилади.

Юқоридаги камчиликларга қарамадан, ушбу хизматлар ресурсидан фойдаланиш илм- фан ривожланиши ва жамиятнинг тараққий этишида муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Андреева А.В. Учебно-методическое пособие по дисциплине «Мировые информационные ресурсы». – Смоленск: Универсум, 2010.–194 с.
2. Хорошилов А., Селетков С. Мировые информационные ресурсы: Учебное пособие - СПб.: Питер, 2004. - 176 с.
3. Жаҳон фан ва таълим ресурсларидан фойдаланиш ва уларни илм - фанга татбиқ этиш масалалари // Узлуксизтаълим. - 2014.- №5.
4. <http://www.opendoar.org/>
5. - <http://roar.eprints.org/>
6. <http://www.repository66.org/>
7. www.doaj.org

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

ИБРАЙМОВ А.Е., ТДПУ, Тошкент

Ҳозирги кунда жорий этилган умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш зарурати мавжуд. Жумладан “умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчилари жорий малака ошириш тизими бўйича 3-5 йилда бир марта малака оширишда, баъзи объектив (малака ошириш институтларининг қувватларининг етишмаслиги) ва субъектив (оилавий шароит, ногиронлик, чекка ҳудудлардан келишнинг қийинлиги) сабабларга қўра ўқитувчилар контингентининг 30% атрофидаги малака оширишга қамралмай қолаёпти” [5]. Шунингдек, “ўқитувчини 3 йилда бир марта, бир ой давомида ишдан ажралган ҳолда, анъанавий усулда ўқитувчилар малакасини ошириш институтларига юборилса, бу ўқув жараёнига етарлича салбий таъсир қилади. Чунки биринчидан, ўқитувчилар ўқув жараёнининг қизгин пайтида малака оширишга кетса, иккинчидан малака ошириш учун кетган ўқитувчининг ўрнига дарсини ўтказувчи ўқитувчига қўшимча маош, малака оширувчига хизмат сафари ва яшаш учун анча маблағ тўланади. Бинобарин